



Владимир Путин 24 йил давомида Россия раҳбариятида бўлиб, бешта хорижий харбий интервенцияларни бошлаган ёки буйруқ берган: Чеченистон, Грузия, Сурия ва Украина (икки марта). Унинг ҳаракатлари асосан Кремлнинг "подшохи" сифатидаги мақсадлари билан боғланган. 1999 йилда ҳокимиятга келганидан буён Путин харбий кучларни турли вазиятларда қўллаб, ўн минглаб одамлар, асосан тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлган.

1999. Чеченистон: Путиннинг биринчи уруши

1999 йилнинг августида Шамил Басаев бошчилигидаги чеченлар Догистоннинг Ботлих туманига боскин уюштирди. Бу воқеа Сергей Степашиннинг бош вазирликдан четлатилишига ва унинг ўрнига Владимир Путиннинг тайинланишига олиб келди. Шу заҳоти Россия Чеченистондаги кенг қўламли харбий кампанияни бошлади.

- Уруш 26 август 1999 йилда расман бошланиб, 1 октябрда Россия қўшинлари Чеченистонга кирди.

- Уруш натижасида Чеченистон Республикаси Ихчкериянинг мустақиллиги тугатилди ва Грозний шаҳарининг Россия назорати остига ўтишини таъминланди.

Уруш натижалари:

- Курбонлар сони тахминан 25-50 минг мусулмонлар, асосан тинч аҳоли.

- Россия расмий маълумотларига кўра, 5200 рус аскарини йўқотган. Бошқа манбалар бу рақамни 11 минггача оширади.

2008. Россиянинг Грузияга хужуми

Муаллиф:

21.11.2024 06:00 -

2008 йилнинг августида Грузия сепаратист Жанубий Осетияни назоратга кайтариш учун харбий хужум бошлади. Россия бу вазиятни бахона қилиб, ўз қўшинларини Жанубий Осетияга киритди.

Натижа: Россия Жанубий Осетия ва Абхазияни босиб олади, Грузия эса ушбу ҳудудларни назоратидан йўкотади.

Уруш давомидаги йўқотишлар:

- Россия: 64 аскар.

- Грузия: 171 аскар.

2014. Украинага биринчи хужум

2014 йилда Евромайдон намоишлари ортидан Россия Кримни аннексия қилди ва Донецк ҳамда Луганскдаги сепаратист ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб, мазкур ҳудудларни босиб олади. Бу воқеалар Украина учун огир иқтисодий ва сиёсий оқибатларга сабаб бўлди.

Владимир Путиннинг харбий жиноятлари Россиянинг халқаро сиёсий майдондаги таъсирини кучайтиришга қаратилган бўлса-да, урушлар натижасида қўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган. Унинг режалари жаҳон ҳамжамияти томонидан қаттиқ танқид қилинган.

Киевдаги намоишлар (2013–2014)

2013–2014 йилларда Украинадаги Евромайдон намоишлари ортидан мамлакатнинг рус аҳолиси қўпчиликни ташкил этган айрим ҳудудларида Путин тартибсизликларни келтириб чиқаради. Бу ҳолат сепаратистик ҳақирикларга ва ният, Россиянинг Кримни аннексия қилишига (босиб олишга) сабаб бўлди. Украина учун Кримнинг оккупацияси 2014 йил 20–22 февраль кунлари, Россиянинг очик харбий ҳаракатларни бошлаши билан бошланган.

2014 йил 23 февраль куни Россиянинг Жанубий харбий округи тўлиқ жанговор ҳолатга келтирилди ва Кримда қатта масштабли харбий операция бошланди. 2015 йилда Владимир Путин «Крим. Уйга қайтиш йўли» фильмида 2014 йил 23 февраль куни Кримда харбий операцияни бошлаш буйруғи берилганини тасдиқлади.

Кримнинг аннексия қилиниши (босиб олиниши)

- 2014 йил 24 февраль кунидан бошлаб Россия харбийлари, харбий техникалар ёрдамида, Севастополдан чиқиш йўлларини тўсди.

- 27 февраль куни Россия харбий формасидаги, аммо белгиси йўқ 110 нафар аскар Крим Олий Кенгаши ва Вазирлар кенгаши биноларини эгаллади.

- 28 февраль куни Симферополь ва Севастопол аэропортлари блокланди.

- 2014 йил 1 март куни Россия Федерация Кенгаши Владимир Путинга Украина ҳудудида харбий қўчларни қўллашга рухсат берди. Путин бунга «гуманитар миссия» деб таъриф берган бўлса-да, харбий операция давом этди.

2014 йил 16 март куни Россия томонидан Кримда референдум ўтказилди. Расмий маълумотларга кўра, овоз берувчиларнинг 95% Кримнинг Россияга қўшилишини қўллаб-қувватлаган. Халқаро ҳамжамият бу референдумни тан олмади. 2014 йил 25

апрель куни Россия Крим билан Украина ўртасида давлат чегарасини бир томонлама белгилади.

Донбассдаги сепаратистик ҳаракатлар

Крим аннексияси ортидан Донецк ва Луганск вилоятларида Россия қўллаб-қувватлаган сепаратистик ҳаракатлар бошланди. Донецк ва Луганск Халк Республикалари тузилиб, Украина ҳукуматига қарши қуролли ҳаракатлар бошлаб юборилди. 2014 йилнинг апрелидан 2014 йилнинг августигача бу ҳаракатларга россияликлар раҳбарлик қилди ва Россиядан келган қўнгилчилар ҳамда харбий қўллаб-қувватлов қучайтирилди. Россия ўз ҳаракатларида «гибрид усул»дан фойдаланди: дезинформация, қуролли гуруҳлар, харбийлар ва логистик ёрдам орқали Донбассни бекарорлаштиришга уринди. Бу ҳаракатлар 2022 йил февралда Россиянинг Украинага расмий ҳужумигача давом этди.

2015. Россиянинг Суриядаги интервенцияси

Суриядаги фуқаролик уруши 2011 йилда бошланган бўлиб, 2015 йил 30 сентябрда Россия Сурия ҳукумати илтимоси билан урушга аралашди. Россия харбийлари шиа бўлган Башар Асад ҳукуматини қўллаб-қувватлади. Интервенция 2017 йилда тугагани эълон қилинган бўлса-да, 2022 йилгача жанговар ҳаракатлар давом этди.

- 600 мингдан ортиқ мусулмон қурбон бўлган, шулардан 22 минг нафари болалардир.
- Россиянинг ҳаво ҳужумлари натижасида 8 мингдан ортиқ тинч аҳоли ҳалок бўлган.

Сурия уруши ҳалигача тугамаган

Сўнгги ҳисоботларга кўра, Россия 2015 йилда Сурияда интервенция бошлаганидан бери, у ердаги жангариларни ўз сафига қўшиб олиб, уларни шаҳар урушидаги тажрибаларидан фойдаланиш мақсадида Украинадаги Киевни назорат қилишга ёрдам бериш учун жалб қилган. Америка расмийлари Россияда жангга тайёрланаётган айрим жангарилар борлигини қайд этган, бироқ уларнинг аниқ сони номаълум.

Сурия инқилоби халқаро иштирок билан кенгайиб, 130 ой давомида тахминан 600 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди, улардан 22 минг нафари болалар. 2,1 миллион тинч аҳоли яраланиб, умрининг охиригача майиб бўлиб қолди, 80 мингга яқин одам Асад режими камокхоналаридаги қийноқлардан ҳалок бўлган.

Суриядаги инсон ҳуқуқлари бўйича кузатувчилар маълум қилишича:

- Россия ракеталари ва ҳаво ҳужумлари натижасида 8671 тинч фуқаро ҳалок бўлган, шулардан:
 - 5233 киши эркаклар,
 - 2098 киши 18 ёшгача бўлган болалар,
 - 1321 киши 18 ёшдан катта аёллар.

2022. Украинага кенг қўллаган ҳужум

Муаллиф:

21.11.2024 06:00 -

2022 йил 24 февраль куни Владимир Путин Украинага карши хужумни бошлади. У бу харакатни «демилитаризация» ва «денацификация» максадлари билан оклади. Хужумдан аввал, 22 февраль куни Россия Донецк ва Луганск Халк Республикаларининг мустакиллигини тан олган.

Уруш икки томонга ҳам катта йўқотишлар келтирди. Унинг окибатлари хали ҳам аник эмас, бироқ уруш Украина ва Россия муносабатларини тамомила бузди.

Владимир Путиннинг бошқаруви

Владимир Путин 1999 йил 31 декабрь куни Борис Ельцин истеъфосидан сўнг, Россиянинг вақтинчалик президенти этиб тайинланган. У 2000 йилда президентликка сайланиб, 2004 йилда қайта сайланган. 2008 йилда Конституциядаги чеклов туфайли учинчи муддатга сайлана олмаган, шунинг учун у кўгирчок Дмитрий Медведевни қўллаб-қувватлади, яъни ўрнига вақтинчалик президент қилиб қўйди. Медведев эса Путинни бош вазир этиб тайинлади.

2012 йилда Путин яна президентликка сайланди. Конституцияга киритилган ўзгартишлар натижасида 2018 йилда яна бир муддатга сайланди. Унинг бошқаруви 6 йиллик муддатларга узайтирилган бўлиб, ҳозиргача давом этмоқда.

Абу Муслим